

Шухрат СИРОЖИДИНОВ

**ШЕЪРИЯТДА ИНСОН РУҲИЙ  
КАМОЛОТИ ТАЛҚИНИ**

**Шухрат СИРОЖИДИНОВ**

**ШЕЪРИЯТДА ИНСОН РУҲИЙ  
КАМОЛОТИ ТАЛҚИНИ**

**САМАРКАНД - ЗАРАФШОН 1992 й.**

Шухрат Сирожиiddинов.

## ШЕЪРИЯТДА ИНСОН РУХИЙ ҚАМОЛОТИ ТАЛҚИНИ.

"Зарафшон" нашриёти, Самарқанд, 1992, 52 бет (II)

Масъул муҳаррир - Ўзбекистон Республикасида хизмат  
кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори  
Б.Н. Валихўжаев

Тақризчилар : Филология фанлари доктори Ш.Шуқуров  
филология фанлари номзоди К.Тоҳиров

Ислон олами халқларининг маданий меросини ўрганишда тасаввуф гояларини ҳисобга олмасдан туриб, фикр юритиш мушкул. Ушбу диний -фалсафий таълимот инсонга ато этилган барча гўзалликларни, ҳаётний фароғат ва инсон камолотини такомиллаштириш масалаларига диққатни тортишга йўналтирилгандир. Ҳазрат Алишер Навоий бевосита ана шу диний, фалсафий таълимот тарғиботчиси бўлганлиги асарларининг гоявий йўналишларидан яққол сезилади. Эътиборингизга ҳавола этилаётган мақолалар мажмуъасида Алишер Навоий ва Каттақўрган шоирлари. хусусан, Мирий ва Видоий ижодлари мисолида ўзбек адабиётида етакчи ўрин тутган диний ва фалсафий қарашлар, инсон рухий камолоти масалалари ҳақида фикр юритилади.

Муаллиф маблағи ҳисобига нашр этилди.

©Ш.Сирожиiddинов, 1992,

## ҲАҚИҚАТ ВА МАЖОЗ

Алишер Навоий адабий меъроси-бебаҳо маънавий хазина. Тўнқили олим Нажмиддин Комилловнинг эътирофи билан айтганда "...тасавуф таълимотини билмай туриб, Алишер Навоий дунёқарашини ва адабий меросини барча мураккабликлари, фалсафий тарафларини билан тўлиқ ҳолда тузи ва ҳаққоний ёритиб бериш мушкул". 1

Алишер Навоий ижодининг изҳом манбаи - Бутун олам гузалликларини нурларини ўзида мужассамлаштирган Ишк аталмаси кўзгу! Ундан-да шоир ижодининг бутун сехру синоати, завқу таровати мангуликка дохил!

Эй ишк, ғариб кимнэ сен,  
Бал ойинан жаҳоннамо сен  
Ҳам зотинга дарж кимнёллик,  
Ҳам ойинан жаҳоннамодлик...  
Хуршиди жаҳонкушой сенсен,  
Мирьоти жаҳоннамоёй сенсен,  
Ким қилди сенга назарни равшан  
Кўрди еру кўклагин муайян.  
Чун боккаш ихтиёр топти  
Ҳар сорикки бокти ёр топти. 2

Улуғ мутафакир "ишк" тушунчасини унга бўлади: "Аввалги қисм авом ишқидурки, авом ун-нос ораста бу манхур ва шобедурким, дерлар: "Ҳалон Ҳалонга ошқик бўлубтур". Ва бу навр қилин ҳар навр қилинға бўлса бўлур, шағаб ва изтиробларича лаззати жисмоний ва шаҳвати нафсовний эмас ва бу қисмининг бишқироқ мартабаси шаръий ишқидурким, бари ҳаққонликка суниатлур ва мубоҳ... Иккинчи қисм хавос ишқидурким, хавос ул ишқика мансубдурлар. Ул пок кўзин пок навар билан пок юнга солмоқдур ва пок кўнғил ул пок юз ошубидин кўнғолмоқ ва бу пок маъхар воелтаси била ишқик покбоз маҳбуби ҳаққоний жамолдин баҳра олмоқ... Учинчи қисм сийдиқлар-ҳаққуёлар ишқидурким, улар ҳаққоний жамолдин очик кўриш умиди билан яшайдилар ва шунинг билан матлубдурлар.

1. Камалдак тўплами. Тошкент, 1990, 4-бет.

2. А.Навоий. Ҳамса / Нашрга таъйёрловчи П.Шамсиев - Тошкент, 1960, 447-448-б.

## ХУЛОСА УРНИДА

Тасаввуф ўзининг поэтик, баъний шаклига кўра фалсафий-баъний дунёкараш ва мафкура жиҳатидан ижтимоий ҳаёт ва инсоннинг ижтимоий идеалларининг тасвирidir. Маълумки, бир фикрни бирор қобикка ўраб етказиш уни тўғридан-тўғри айтишдан кўра таъсирлироқ ва самарали натижа бериши мумкин. Шу жиҳатдан тасаввуф - Ҳақ ва инсоннинг яхлитлик назарияси ўрта асрлар шоирлари шу жумладан, Алишер Навоий учун жамиятни поклашда, инсонларни тўғри йўлга солишда, адлу инсоф, меҳру мурувват, раҳм-шафқат ҳаминша жамиятнинг етакчи кучи бўлиб қолиши йўлида кўрсатаётган фаол курашишда жуда қўл келган. Тасаввуфдаги ҳаётни севиш, табиатни илоҳий матҳар сифатида тан олиб, унинг барча неъматларидан кўнгли тусоғанча баҳраманд бўлиш ҳамда инсонни дин қобидан ўзга шароитда илму доғиниши ўрганиши натижасида онгли равишда Оллоҳни ҳис этиб, уни севиш назарияси Алишер Навоий ва бошқа шоирлар учун инсоннинг ҳар тарафлама қамолотга етиб, ҳар жабҳага ўз қобилиятини намойи қилиши мумкинлиги ҳақидаги, бир сўз билан айтганда "ОЗОД ИНСОН" концепциясини қўйлашда айни муддао бўлди. Каттақўрғон шоирлари ҳам Алишер Навоий изидан бориб, улуғ шоир аҳамият берган қирраларга эътибор бердилар: инсоннинг қаноат, саховат, жувонмардлик ва хушахлоқлик каби фазилатлари гўзал байтларда ўз инъикосини топди, қомил инсон мадҳи ҳар бир сатрда маъно пардасига ўралди.

Албатта ушбу китобча XIX аср ўзбек шоирлари ижодидаги ғоявий йўналишларни янгича қарашлар асосида ўрганишдаги илк уринишлар самараси бўлгани учун баъзи бир қусурлардан холи эмас. Зеро, тасаввуф биз ўйлагандан ҳам мураккаброқ илм. Биз бу оламга энди кириб бормокдамиз. У ҳақда қатъий тасаввур ҳосил қилинганга қадар неча-неча китоблар яратилиши аниқ. Вақт-соати билан изланишлар оддийдан мураккабга бурилиб, юзак тахлилларимиз чуқур ва аниқ назарияга асосланган илмий тадқиқотларнинг пайдо бўлишига туртки беришидан умидворман. Ба ҳар ҳол хирмон битта-ку. Йўл қўйилган хато ва камчиликларга афв кўзи билан қарагайсиз, иншооллоҳ.

## МУНДАРИЖА

Хақиқат ва мажоз.....	3
Ғариқи шиқ.....	10
Накшбандия оҳанги.....	18
Инсон қалби - ирфон маҳзани.....	24
Поклик гарови.....	29
Инсон ва рухий камолот.....	36
Мутриб ва мугаңний.....	45